

ИСЛОҲОТЛАР ЙУЛИДА

САНОАТИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

ТАДБИРКОРЛАРГА ЁРДАМ

Туб иқтисодий ислохотлар амалга ошириладиган Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ижтимоий-сиёсий шарт-шароит ва қонуний асос яратилди, замонавий бозор инфратузилмаси аста-секин қад кўтармоқда, хусусий сектор тез ривожланмоқда. Шу билан бир вақтда мамлакатда пайдо бўлаётган мулк эгалари тоифаси вакиллари кўпинча қийинчиликларга ҳам дуч келмоқда. Бу қийинчиликларнинг асосийси -- кичик ва ўрта корхоналар, айниқса, янги иқтисодий лойиҳалар маблағ билан етарли даражада таъминланмаётганидир. Илгари хабар берилганидек, амалий алоқалар марказида бу муаммоларни ҳал этиш хусусида махсус семинар ўтказилган эди. Марказнинг бизнес-маслаҳатчиси Жасур Ҳакимбоев шу семинар иши ҳақида ҳикоя қилади:

-- Бу -- кредит бериш муаммоларига доир иккинчи семинардир. Биринчи семинарда кичик ва ўрта корхоналар раҳбарларини халқаро кредит жамғармалари имкониятлари билан таништирдик. Ҳозир эса республикамиздаги ва халқаро банкларда кредит бериш шартлари билан таништирдик. Семинар широкчилари Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкида, «Кроссрод» Осис кредит компаниясида, Аби-амро банкида, Ўзбекистон хусусийлаштирилган банкида, «Узтадбиркорбанк» ва «Турон» банкида кредит олиш шартлари

билан батафсил хабардор қилдик. Бу банк муассасаларининг вакиллари кредит олишнинг қабул қилинган меъёрлари, уларнинг миқдори, кредит бериш муддатлари, фоиз ставкалари, шунингдек, тоширилган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатлари тўғрисида муфассал сўзлаб бердилар. Чунинчи, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкидан Ташқи иқтисодий флотият миллий банки орқали юз минг АҚШ долларидан беш миллион долларгача, Аби-амро банкидан

эса минг доллардан тортиб, ҳеч чекланмасдан ҳам кўп миқдорда кредит олиш мумкин. Кредитларнинг айрим турлари учун фоиз ставкалари қатъий белгилаб қўйилган, баъзи турларига эса фоиз ставкалари лойиҳанинг қандайлигига қараб белгиланади. Чунки ҳар бир лойиҳада молиявий, ишлаб чиқариш, маҳсулотни сотиш борасида қандайдир хатар бўлиши мумкин. Шу сабабли, ана шу хатарни юмшатиш ёки ҳомиёлар ёрдамида енгиллаштириш мақсадида кредит беришчилар маблағ ажратилиши ҳақида қарор қабул қилиш учун лойиҳаларни ҳар томонлама текшириб, таҳлил этишлари зарур бўлади.

Таҳлил этиш чоғида банк мутахассислари тақдим этиладиган лойиҳанинг барча жиҳатларини эътиборга олишга ҳаракат қиладилар, шу сабабли ҳужжатларни тайёрлаш учун лойиҳанинг ўзи тўғрисида ҳам, уни қим амалга ошириши, қим маблағ билан таъминлаши

ҳақида ҳам хилма-хил маълумотлар зарур бўлади. Лойиҳага доир маълумотлар бўлажак ишлаб чиқариш концепцияси, унинг иқтисодий аҳамияти, бозорларга муносабати тўғрисида мумкин қадар тўла маълумотларни ўз ичига олиши лозим; шунингдек, бўлажак маҳсулот қиймати, пул билан таъминлаш, бу маҳсулотта бозордаги талабга доир фарзлар, уни сотиш усуллари, қутилиётган рентабелликка оид ҳисоблар, шунингдек, экологияни бузмаслиги тўғрисидаги маълумотлар зарур. Буларнинг ҳаммаси тўғри расмийлаштирилиши лозим.

Банк ходимлари -- аҳтиёткор одамлар. Шунинг учун ҳам шартноманинг барча бандларини батафсил кўрсатишда, баъзан қутилимаган шартларни талаб қилишда. Хуллас, кичик бизнестга қадим қўйётган кишилар ҳам бозор муносабатларига оид асосли билимга эга бўлиши лозим. Банкларга қатнаш, улар билан узоқ давом этадиган ёшишма бошладан олдин тадбиркорлик сабогини ўлаштириш керак, деб таъкидлади сўхбатдошимиз. Бу ишда тадбиркорларимиз Тасис дастури доирасида ишлаётган амалий алоқалар маркази мутахассислари ёрдамига таянишлари мумкин.

О. ЗАДУНАЙСКАЯ, ЎЗА мухбири.

ЖИЯНОВНИНГ... ҚАЙТИШИ

Инсон ўзининг барча кўргулигию муваффақиятларини феъл-атворидан, табиатида излаши керак. Бу фикрни таъкидлашимизнинг сабаби бор. Сабаб шуки...
Гулҳўжа Жиянов бир неча йил Денов пахта тозалаш заводига бош муҳандис бўлиб ишлади. Биласиз -- муҳандис «ичкари»нинг, яъни ишлаб чиқаришнинг кўжайини.

Аммо Жияновнинг феъл-атвори тазорлик, гайратчанлик эгаллаб турган вазиғасига шу даражада «ярашмас» эдики, ниҳоят, саксон тўртинчи йили уни қўшни Узун пахта тозалаш заводига... директор қилиб юборишди. Албатта, раҳбарликнинг юкини кўтариш осонмас. Чунки ишончининг тоғдек масъулияти ҳам бор-да.

Жиянов тўқсон иккинчи йилгача ушбу завод жамоасига бошчилик қилди.

Қисқа вақт ичида катта корхона қайтадан қурилди, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. У табиатан ишчан, тиниб-тинчимас одам бўлгани учун жамоа манфаатлари йўлида ўзини... аямади. Юзаклик ёки сансалорликка тоби йўқ. Худди ана шу феъли билан баъзиларга ёқмади. Кўп ўтмай Жияновдан «жабр» кўрганлар унга... дабурустан «ишонч-сизлик» билдиришди. Уша алғов-далғов қунларда бу унчалик қийин эмасди-да. Хуллас, жамоадаги бир мутахассисни директор қилиб кўтаришди. Чунки у Жияновнинг акси -- овозини кўтармас, бировни уришмас, башарти дўқ қилсангиз ҳам индамай тураверадиган бир... «ажойиб» одам эди. Аммо бу хил таваққулчилик билан катта корхонанинг аравасини юритиб бўлмас экан. Янги директор қанча уринмасин,

калаванинг учини тополмади. Охири, бошқа ишга ўтиб кетди ва ўрнига яна Жиянов бошчи бўлиб келди. Ҳаётнинг уйинларини қаран!

Жиянов ишга қабул қилганидан сўнг масалани кўндаланг қўйди: «Корхонадаги тартиб-интизом ҳамма учун мажбурий -- ҳеч кимга ҳеч қандай имтиёз берилмайди! Бу -- бир. Иккинчидан, чигит ўмаришни энди каллаларингдан чиқарибларим. Кимга менинг бу гапларим ёқмаса, ундай одам билан ишлай олмайман. Марҳамат, насибасини бошқа жойдан изласин!»

Ташмачиликнинг катта-кичиги бўлмайди. Аслида бу ҳам ўғирликнинг ўзинасидир. Чигит -- мол учун тўйимли озуқа. Бир халтаси 150 сўмдан зиёд туради Бундан ташқари, ҳозир хонадонларда кичик-кичик жувозлар кўпайиб қолган. Уларни ҳаракатга келтириш учун ҳам чигит зарур. Хуллас, бу маҳсулотнинг талабгори кўп. Ташмачиликнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Аввалига олти нафар меласи ёлланди. Улар кечасио кундузи қўриқчилик қилишса-да, барибир гафлагда қолдириш эди. Жиянов айтдики, майли, сизлар бораверинлар, агар ташмачиларга ўзимиз бас келолмасак, яна қақирамиз.

Шу ўринда бир мулоҳаза: ҳар қандай жияновнинг ижтимоий буюртмаси бўлади. Яъни ўғирликни келтириб чиқарадиган нарсаси -- муайян шароитдир. Илгари корхонадан чиққан чигит махсус омборга тўпланар ва бу ерда истаганча «хомталаш» қилинар эди. Қолган маҳсулотни ё-мой заводига жўнатишда яна шу аҳвол: торт-торт... Жиянов бошқача йўл тўтди: корхонадан чиққан чигит тўғридан-тўғри вагонга юкландиларин бўлди. Омборда тўплашга ҳоҳат қолмади. Сентябрь-декабрь ойлариде салкам 10 минг тонна чигит ёғ заводига ана шу тахлитда жўнатилиди. Бунча хомашини «майдалаб» ташиш учун биласизми, қа-анча машина, қа-анча ёқилги кетар эди. Энди эса ташиш жараёни анча енгиллашди. Аслида бу ишнинг мушкул жойи йўқ; беш-олти вагон ҳаракатдаги поездга тиркаб юборилади, вассалом. Навбатдаги бекат -- завод!

Назорат ва тартиб жилов қаттиқ ушлангани учун 1996 йилнинг охириги тўрт ойида 1995 йилдан 700 тонна тола кўп ишлаб чиқарилиди. Бундан келадиган нақд фойдани айтмай қўя қолайлик. Энг муҳими, Жияновнинг қайтиши, унинг қаттиққўллиги ҳозир ҳеч кимга «малол» келмастани йўқ. Ишлар юришиб турибди. Бошқа нима ҳам деймиш. Бор гап шу. Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортадиган бозор шароитида оғзида шулла турмайдиган бўшанг, укүсви раҳбардан Худонинг ўзи сақласин!

Тождидин РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХОРИЖДАН ХАВАРЛАР

ПРЕТОРИЯ. Жанубий Африка Республикасидаги Претория университетининг таъбатчи олимлари СПИД касалигининг олдини олиш ва унга қарши курашда муҳим ўзгариш ясайдиган янги дори тайёрлашди.

Олимларнинг республика Вазиран Кенгашига тақдим этган ҳисоботномасида қайд этилишича, «Впроден» (янги дориининг номи) ўзига ўхшаш хусусиятларга эга дориладан анча арзон. Утказилган сновда бу дори бемор киши танасидаги иммунодефицит вирусини йўқотиш ва организмнинг аввалги ҳолатга қайтишига кўмак бериши аниқланган.

Олимларнинг таъкидлашича, «Впроден» устидagi плазминлар яна икки йил давом этади. Дастлабки сновдан ўтган 12 кишининг тақдирини яқин олти ой ичда маълум бўлади. Агар ушбу муҳабат илҳда улар организмда вирус пайдо бўлгани аниқланмаса, оламшумул воқеа соғир бўлар, дейиш мумкин.

ВАРШАВА. Полша полициячилари мамлакатнинг Литва билан чегарадош ҳудуд яқинида 27 нафар Афғонистон фуқаросини қўлга олди. Улар ноқонуний йўл билан Полшага кирмоқчи бўлган.

Полша чегара қўшинлари Сувалк бўлими штабнинг маълум қилишича, чегарабузарларнинг Литвадан Полшага, Полша орқали эса Габрга ўтиш бу ерда «одат тусига кириб қолган». Утган йил йлгирмадан энди айнан шундай ҳолатка бўй берган.

БОИН. Германиянинг Франкфурт шаҳар суди Туркия ташқи ишлар вазири Тансу Чиллерни халқаро гўёҳандлик модалари тижоратига алоқадорликка айблади.

Бунга жавобан, Туркия ҳукумати Германиянинг Анкарадаги элчихонаси ҳамда мамлакат ташқи сinesis мақамасига норозилик нотаси бериб, «расмий ташвирини хати» тақдим қилди.

Франкфурт судининг тегишларига қўра, қўллаб Европа мамлакатлари, жумладан Германияга гўёҳандлик модаларини етказиб беришда Истанбулдаги жиноий гуруҳларнинг хизмати катта экан. Ушбу гуруҳларнинг таъсир доираси эса айрим ҳукумат вакиллари ҳам ўз қамровига олар эмиш. Уларнинг номлари эълон қилинган рўйхатда халқаро майдонда анча машҳур бўлган Тансу Чиллернинг исми бор...

РИГА. 23 январь куни Латвия билан Европа комиссиясига ўртасида «Европа Иттифоқи томондан Болтиқбуйи давлатларини молжавий қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги битим имзоланди. Унга қўра, Латвиянинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, мамлакатда бозор иқтисодиятини қарор топарини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун Европа Иттифоқи 5 миллион ЭКЮ ажратди.

Европа Иттифоқи аввалроқ Литва ва Эстонияга шарқий чегарапарини мустаҳкамлаш учун 6 миллион ЭКЮ ажратган эди. Бундан ташқари, яна 14 миллион ЭКЮ Болтиқбуйи давлатлари ва Пошани Европа Иттифоқида қабул қилишга тайёрлаш ишлари учун сарф этилади.

СИДНЕЙ. Битини кунда Австралия ҳарбий ҳаво кучларига жанговар самолётларни бошқарадиган учувчилар масаласи муаммо бўлиб турибди. Чунки, бир неча йилдан бери Австралиядаги ҳарбий учувчилар уларнинг кўпроқ маш турлайдиган хусусий авиаконпанияларга ўрмоқдалар.

Албатта, бу Австралия ҳукуматиға қимматга тўшмоқда. Чунки, битта ҳарбий учувчининг ўқитиш учун 7 миллион доллар миқдорда маблағ сарфланаркан. 1996 йилнинг ўзида 48 нафар учувчи ҳарбий хизматни ташлаб кетди, яна 80 нафар хизматдан кетди аравасида. Ҳарбий ҳаво кучларининг зот-битларини йилри авиаконпанияларга қатта маблағлар ваъда қилиб, ишга қақириб олмақда.

Австралия ҳукумати эса, қуролли кучларнинг бўшаб қолган ўринларини тўларини учун ҳарбий учувчиларни четдан қақириниға мажбур бўлаётти.



Қорақалпоғистондаги Халқобод акционерлик автокорхонаси йил сайин юқори кўрсаткичларга эришяпти. Корхонанинг акционерлари ташкилотлардан буюртма келишини кутиб ўтирмасдан уларни ўзлари топишяпти. Айниқса, ҳайдовчилар ёпили-мойлаш ишларини тежаб-тергаб ишлашишда ҳам намуна кўрсатишяпти.

СУРАТДА: назоратчи механик Е. Ситов ҳайдовчи Ж. Алдамжаровнинг ҳаракат графигини кўздан кечирмоқда.

А. МУРОДОВ тасвирга олган (ЎЗА).

«Зар қадрини заргар билади», деганларидек, қимматбахо жавоҳир ҳам ўз эгасини топса, ҳақиқий мўъжизага айланади. Юртимизда нодир бойликлар кўп, янгилари яратилаяпти. Хўш, уларга муносабат қандай?

Қадриятларимизни тиклаш борасидаги умумдават тадбирлари орасида ўтган йилни «Амир Темур йили» деб аталиши ва шу муносабат билан жуда катта ҳажми таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб бориладиган мустақил давлатимизнинг истиқлол сари қатъий азму қарори ифодаси бўлиб қолди. Жумладан, соҳибқирон таваллуд тоғлан Шаҳрисабз (Кеш) шаҳрида амалга оширилган ободончилик юмушлари ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу жойда узоқ эмас, беш-ўн йил олдин бўлган киши ҳам одамнинг боши айланадиган, ҳатто аравалар йўл топиб юришга қийналадиган кўчалар мавжудлиги, шаҳар маркази эса худди гургут кутига ўхшашан бинолар билан «Безангани»нинг гувоҳи бўларди. Бобокалонимизнинг 660 йиллик тўйлари муносабати билан бу жойда шунчалик мислсиз қурилиш-тиклаш ишлари олиб бориладиган, эндиликда Шаҳрисабзда бўлган кишининг лол қолиши шубҳасиз. Биз ҳам шу кайфият билан Қўқумбаза, Дорус-саодат ва Дорут-тиловат мажмуаларига қадим ранжида қилмағиз, дидлаган муслим эътиқод тўйлиги жами илтижоларимизни сўзасиз ифодалаймиз, буюк аждодларимиз руҳидан мадд тилаймиз. Бир пайтлар охиёнсиз қушларга макон бўлган, меъморий ечимни жиҳатдан Марказий Осмёда тенгсиз ҳисобланган Қўқумбазанинг чирой оған янги жамолидан ҳайратланамиз, вайрон бўлиб кетган намозгоҳнинг қайта тикланган нежодлари шундай мажбурият билан қўқумбаза боболарининг асрий нидолари садо бергандек бўлади. Маълумки, бу мажбурият ҳазрати соҳибқироннинг падари бузруквор

ни, вазим қадамларни эмас, болажонларнинг шаддод қийқириklarини кўрдик. Бўш вақтини «қўнгилли» ўтказишга астойдил киришган келажак ворислари гуруҳларга бўлиниб, тўп тепар, тўпи дарвоза ўрнатилган хобгоҳ томонга қараб тепарди. Уларнинг шодон қийқириklarига чегара йўқ, ҳамма нарсаси унутилган, болаликнинг тизгинсиз оқимиға бўйсунган. Хаста Имом жомеъ масжиди тарафда эса бу ёқдан

МУНОСАБАТ

айтганда, тўй муносабати билан амалга оширилган ишлар шунчалик раҳбатланарлики, уларни кўрганда қароқларда ёш қалқийди. Ана шундай соҳиб қайфият билан Хаста, имом жомеъ масжиди ва бобокалоннинг жувонмағ бўлган фарзанди Жаҳонгир Мирзо мақбараси томон йўл оламиз. Бу оралик яқингача одамларнинг ҳовли-жойлари эди. Уларга энг маълум жойлар ажратилиб, майдон очилибди, тарихий мажмуа яқин қиёфа қасб этибди. Ҳақиқий меросқўрлик билан қилинган ишлар кишида фахр уйғотади, бироқ нотинч кўнгил бу ютуқлардан қувоничдан қўра, азалий қадриятларимиз шамойилиға соя солиб турган баъзи кусурларни баён этишимиз истайди.

Таъмирлаш муносабати билан юзага келган очик майдон бугун эиератчиларнинг ўйчан рафторларига, улар кўнгилда кеаётган ўтмиш шукўҳининг сўзасиз ифодасига макон бўлиши керак эди. Афсуски, биз ташири буюрган кун бу жойда оғир эгилган бошлар

тун мамлакатнинг, қолаверса, соҳибқирон шахсини ҳурмат қилган дунё афкор оммасининг ҳўммати билан ер юзининг энг гўзал шаҳарларини эслатувчи хиббонга айланабди. Ҳатто кўз кўниб қолган жўн манзаралар оғушида гўзал фаворалар ўрнатилган, йўлаклар бири-бирига ўхшатилаётганро этилган ва муаззам ҳайкал тикланган майдонни даб-дурустдан танимайсиз. Ҳайрат таъйиқда оқимлаймиз. Тасав-

хилхонасини зиёрат қилиб, тикланган обидалар хуснидан қувониб турганимизда, қўлогимизга мусика садолари чалиниб қолди. Тош ҳовлида санъаткорлар дастаси қўлиқ қўйлаб, рақсга тушар эди. Биз уларга «бу жой марҳумлар хилхонаси-ку» дея олдик холос. Қатъий дастур билан ишлайётган санъаткорлар эса ҳеч нарсани писанд қилмай, мусикани авжига олавердиши.



Ушанда ҳофиз овозининг энг авж пардасида хониш қилган, рақсоза жон-ҳаҳди билан чирпирак бўлиб рақс этган бўлиши мумкин. Ахир бу томошани маҳаллий телевидение зангори экранда намойиш қилиш учун эзиб олаётган эди-да.

Кўнчилики бу ердаги яна бир жузвий манзара ажаблантиради -- пул яшиқлари қаберлар бошида ўрнатилган. Бу қандай мантика тўғри келадиган? Зиёратга келган одам суккут сақлаб марҳумлар қошида ўз хурматини бажо келтирадими ёки чўнтак қавлаб ҳўмматини намойиш этадими?

Узлғимизни англаш мавридида бир хил қабларимизни оғир исканжага олади. Боболаримизнинг мислсиз шижоати билан тикланган мўҳаббатли обидалар қай тарада кунпаякун бўлган? Аслида, уларни вайрон этган ҳам худди ҳозиргидек лоқайдлик, маърифатсизлик эмасмикан? Бугун маҳзун деворларга қараб тўп тепаётган болалар эртага шу тарафга тош отайди, деб ким айта олади? Уша бузғунчи-

ликларга кимдир фатво берган, кимдир раҳамоллик қилган бўлиши мумкин. Аслида бундай бўҳроннинг бош сабабчиси ҳозиргина биз кўриб тургандек муносабат бўлмаганими?

Янги замон мафқурасининг моҳияти шундаки, истифода этилаётган маънавий ўз қадрини топиш ва у эртанги кунга холис хизмат қилиши лозим. Шунингдек, боболаримиз мероси, уларнинг руҳи-хотири ҳам шунча йўлида эмас, улар маънавиятга тўғри келадиган мезонларда талкин қилинмоғи шарт. Бизда эса ҳамма қондалар мавжуд. Жумладан, хонақоҳлар, мазорлар ёнидан ўтганда улвдан тушиб пиёда юрилган, Қуръон тиловат қилиниб, марҳумларга ҳурмат бажо қилинган. Андиша шу даражада бўлгани, мурид ўз пири яшаётган гузар томонга ҳатто оёғини узаиб ўтирмаган. Қолаверса, бугун тикланган қадриятларимиз ҳамнинг мулки, унга заха етказиш уйғонаётган келажак оқидида қирғоқдир. Эҳтимол, ҳозир майдонларни қор қоплаган, болажонлар ҳам қадрдон мактаблари кучоғига қайтган бўлиши мумкин. Бироқ биз гувоҳ бўлган манзаралар юракда оғриқ кўзгаёйди: кўз қорачиқдек асраб, эртанги кунга оғичлаб улғайтираётган келажакки кимларнинг қўлига топишаряпти? Маънавиятга етказилган тирноқча зарар улғайиб, катта қовоғча айланаши мумкин. Бизнинг кўйин-чаклигимиз сабаби ҳам шунда: ҳозиргача йўл қўйиб келинган маърифатсизлик ва лоқайдлик уммонига қўлга киритган қадриятларимизни иргитмайлик.

Марварид ўз ўрнида бўлганда у гўзалликка хизмат қилади. Мабодо, бу мезон бузилганда, унинг эгаси ким бўлганда ҳам нафис ҳисобланмайди. Зеро, марвариднинг ўзи эмас, унга эғалик қилган зот гўзалдир...

Х. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сўраган ЭДИНГИЗ

Агар тадбиркор қонунда белгиланган тартибни бузса, хусусан саодо...

У. Тўраев, Муборак тумани.

Тадбиркорлик билан шуғулланишнинг амалдош қонунларида белгилаб қўйилган тартибларни бузиш...

Тунда, яъни одамлар дам олаётган пайтда баланд овоз билан гапириш...

Ш. АЛЛАЁРОВА, Хонобод тумани.

Албатта, бу ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди. Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 192-моддасига қўра тунда...

СЕШАНА, 28

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Аравали». 8.45 «Хажий киножурнал».

«Халқ сўзи» мухбири О. Тўрақулов, тайёрлади.



Соғом тишлар — саломатлик сароли, деб бежиз айтишмаган. Садофдек ярқираган тишлар...

ДУШАНБА, 27

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.30 «Ахборот».

8.30 «Ир Улка-ки...» 8.55 «Ўзбек телефильми» намойиш этиди: «Зарралар оламида».

ЧОРШАНА, 29

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Манаъият». «Оханлардан таралган маъна».

ЖУМА, 31

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Ўзма-ома». 8.45 «Ўзбек телефильми» намойиш этиди: «Муслик».

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Эриш».

ПАЙШАНА, 30

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Кунликлар даврасида».

ШАБА, 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Тараннум».

ШАБА, 2

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ

Тахياتош шаҳрида истиқомат қиладиган хотин-қизлар учун ишонч телефони ишлаш бошлади.

Бундан буюн ҳам бир аёл-қиз махсус телефон номери орқали қилинадиган алоқа воситасида...

Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳузурида ташкил қилинган мазкур телефондан фойдаланган фуқаролар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Ҳайитбон АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

САХОВАТЛИ КИШИЛАР

МУЛК ХУСУСИЙ, ФОЙДАСИ УМУМИЙ

Турсунхон Муртозаев Наманган вилоятида биринчилардан бўлиб деҳқон-фермер ҳўжалиги ташкил қилиш ташаббуси билан чиққанди.

Даромат ҳам, албатта, шунга яраша бўлди. Кейинги йил эрта баҳорда эса у билан бирга ишлашни хоҳловчилар кўпайди.

1989 йилдан буюн Турсунхон билан бирга ишлашари, — дейди Абдували Шарипов.

2 миллион 300 минг сўмга етди. Эркин деҳқонлар саховатини ҳам унутмадиларми йўқ.

Бундан икки йил олдин болалар боғчасига сўт этиштириб беришни ният қилиб, 25 бош соғин ситир парварши қилишни бошлади.

Абдухоним МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Шанба оқими»

Дам олиш дастури: 21.00 Видео — «О».

18.35 Дастурнинг очилиши. Ўзлонлар.

22.45 Ўзлонлар. 22.50 «Дахшатли кафе».

23.35 — 00.05 Россия давлат телевидениеси.

00.05 — 00.20 «Доира оханлари».

9.00 Азәрбајҹан. 9.20 «Клип-антракт».

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарусель».

19.15 «Санта-Барбара».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун концерт.

18.15 «Бор эканда, йўқ эканда».

18.55 «Ором олтари».

22.55 — 23.25 Россия давлат телевидениеси.

23.25 Ўзлонлар. 23.30 — 23.35 Янгиликлар.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарусель».

19.30 «Айнурек».

21.40 «Манаъият ва Ислом».

22.55 — 23.25 Россия давлат телевидениеси.

23.25 Ўзлонлар. 23.30 — 23.35 Янгиликлар.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарусель».

19.25 «Танган».

20.25 «Араб эстрада».

22.55 — 23.25 Россия давлат телевидениеси.

23.25 Ўзлонлар. 23.30 — 23.35 Янгиликлар.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

ТАШКИПОТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

- 1. «Олтой», МТЗ, Т28х4 тракторлари учун эҳтиёт қисмлар; 2. Гильза-поршен, халқа бутламаси; 3. Мой сидирадиган халқа; 4. АО-1 борт кожуки; 5. Т-702, ПЯШ-702 плуг тишлари; 6. 30х40 улчамли «Орво Ретина» рентгенплёнка; 7. Бир каналли ЭКГ — «Малиш» аппарати; 8. 50х50 термоқоғоз; 9. Ушбу маҳсулотларни сотиб олади:

СОТИБ ОЛАДИ:

- 1. Каустик сода; 2. Озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган 0,22 мм ли тунука; Манзил: Тошкент ш., Ивлев кўчаси, 62, мўжжа; 3. «Радост» дўқони. Тел.: 55-91-42, 55-93-06, 44-15-28. Пејшер: -- 067 абор.: 41-84-41-85.

«ФОТОН» А.Ж.нинг транспорт бўлими сизлар учун Тошкент, республика ва МДҲ бўйича /УЗАВТОТРАНС лицензияси/

ҲАММА ТУРДА ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ХИЗМАТИНИ БАЖАРИША ТАЙЁР.

Бизнинг ихтиёрида турли микдорда юк кутарадиган замонавий автомобиллар, жумладан УАЗ-452, ЗИЛ-130, КамАЗ-53212, КамАЗ-5320, КамАЗ-5410, комфортабел ИКАРУС-2536 автобуслари мавжуд. Узоқ йшлардан бери авариясиз ишлаб келаётган юқори малакали хайдовчиларимиз бор. Энг муҳими улар сизларнинг бича муомаларинингизни ҳал этишга тайёрдирлар. Биз «ФОТОН» А.Ж.дан автомобилни ижарага, янги ёқи ишлатишда автотехникани мулк қилиб сотиб олишингиз мумкин.

ҲАҚ ТЎЛАШ УСУЛИ - ИХТИЁРИЙ.

Манзил: Тошкент ш., Мовароуннаҳр кўчаси, 13. Телефонлар: 33-42-19, 33-53-64.

«ФОТОН» А.Ж. - ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШНИНГ ҲАММА ТУРИ.



«ХАРУША-МАЮР ЛТД» ҚҚ

- Ташкентдаги омбордан сотади: 1. ювлайиш гуақоголарини 55 хили /Германия/; 2. ДСП 3,5 м. х 1,75 м. х 16 мм. /Россия/; 3. шойаблар /Германия/; 4. стуллар ва столлар /Эрон/; 5. исириган илли ураш учун М 150 конуслари, патронлар ва салтаклар; 6. апелсин шартати 40%, 1 литрлик идишо /Венгрия/; 7. томат пастаси 30%, 9 кг.ли тууқулли идишо /Наманган/ - 50 тонна.

Манзил: Тошкент ш., Номосковский кўчаси, 23-А. (Айша) «Стар» ошхонаси (Москва) виллояти. Тел.: (3712) 67-76-36, 67-69-94, Факс: 67-66-08.

Ўзбекистон Республикаси Президенти левони жамоаси маъсул ходим А. Ю. Захирова буниси

Александра Петровна СЕРГЕЕВАННИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзин изҳор этиди.

Ўсаноатқурилишбанк жамоаси бошқурув раисининг ўринбосари Тўққин ШАМСИЕВНИНГ бевақт вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзин изҳор қилди.

«Ўзбекино» давлат-акционерлик компанияси Ўзбекистон халқ артисти Шухрат Эргашевга онаси Нафиса ЭРГАШЕВАННИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзин билдиради.

СИЗЛАРНИ ХУЎ СОҒИНАДИМ,
КЕЛИНЛАР БИБИСОРА



Гулчехра Жўраева 40 йилдан буюн ўзбек адабиётига фидойилик билан хизмат қилиб келмоқда. Шоиранинг шеърлари ҳам ўзидек дилбар ва дилкаш: олов бўлиб куйдиради, баҳор насимидай кўнглингизга таскин беради.

Шоиранинг янги шеърлари ҳам ўқувчилар қалбига илиқлик олиб киради, деган умиддамиз.

Менга қушдек энгла қанот бер,
Йиллар юки букмасин қаддим.
Оқ юзмин ювсин қора тер,
Меҳнатимдан юксалин қадрим.

Менга қушдай энгла қанот бер,
Қояларга тегсин қанотим.
Жилловини узиб қочган шер
Қаби чопсин илҳомим оти.

Тахрир қилсин шеъримни қуёи,
Куйга солиб айтсин юлдузлар.
Ҳар юракка сирдош, оҳангдош,
Алла қаби сочласин сўзлар.

Қўл-оёқдан кетмасин мадор,
Қўларимда созумасин нур.
Ҳеч кимсага этма мени зор,
Эй Аллоҳим, ўзинг қўлаб тур.

Менга қушдай энгла қанот бер,
Зил тошларни бўлай чил парчин.
Қамирлаю қир ош — юрак бер,
Ҳайратингда яшар чил барчин!

Хорғини тикиласан кўзимга,
Нимадир айтмоққа майланиб,
Сезаман, жавобан ўзингга
Сўзларим тикилар сайланиб.

Биламан, таянқ сўз кутасан,
Бир ширин суҳанга умидвор.
Боладай нозланиб кетасан,
Ардоқини этганда ихтиёр.

Ўргилмай ўргилсам ранжимга,
Юрасим суҳани тобида.
Севгилим бепарво ҳам дема,
Марварид денгизнинг тубида...

«ЖОН» ДЕЙМАН

Яқини йироқдаги менга азиз, қадрдон,
Риску насиба туташ, бир нону бир дастурхон,

Дуоналар ичинда энг суюқли, энг сара
Сизларни хўп соғиндим, келинлар Бибисора.

Эрта субҳи саҳарда жасинглади кўнгирак,
Не кўз билан кўрайки, сочи бахмал, кўнгирак,

Бибисора келипти қадим кент -- Самарқанддан,
Олиб шўр данак, мағиз, ширмои, ҳола, қантдан.

Яна бир кун оралаб пайдо бўлди кўноғим,
Этаги ерни ўнган, туркман қизи-ўртоғим.

«Шеър керакми, нон керак», эслатиб қўш сатрини
Бибисора кўрсатди нозик қадди бастини.

Ушдан бир нома олдим, насли ўзбек қирғиздан,
Кўзи ҳам қошдақина, юзи оппоқ, қимиздай.

Ўйбидур: Ўр машқимдан битарми ҳола зора,
Уни бахтиёр тутиб: қизингиз Бибисора.

Бир сафарда танишдик қозоқнинг қизи билан,
Аматийда кутганди мени нон-тузи билан.

Ўзбек эли-элатим, боргим келар йил ора,
Дея йўлга чиқибдур баурим Бибисора.

«Энди бу гап шумобед ба Хўжанд, тожи сарам,
Кўпдан буюн кутаман, -- сиз қоқди Бибисора.

Иси бир, жисми-мехр, миллати турондир бу,
Бари бирга йиғилиб она Туркистондир бу.


Уйим туйхона қаби тўлиб кетса, «ЖОН» дейман,
Бул дароғх мезбони ким? -- сўрашса ГУЛЖОН», дейман!

Гулчехра Жўраева.

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •

МАҲОРАТ САЙҚАЛ ТОПДИ

Осиё чемпионати туронзамин стол теннисчилари учун спортчасига айтганда «совуқ душ» вазифасини ўтади. Чунки Марказий осий терма жамоалари орасида қитъа биринчилигида энг юқори натижага эришган Ўзбекистон аёллар терма жамоаси (14-ўрин) бўлди.



«ҚИЗИЛҚУМ ОЛТИНИ» ТУРНИРИ

Навоий шаҳри спорт саройида бадий гимнастика бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

«Қизилқум олтини» деб номланган ушбу турнир ўз иштирокчиларини мағзин билан диққатга сазовор бўлди. Турнирда Ўзбекистоннинг энг кучли бадий гимнастик усталари, Европа ва жаҳон биринчилиги чемпионлари таширф бўлишиб, иштирок этишди.

Асосий гуруҳда Атлантадаги Олимпия ўйинлари кумуш медали соҳиб Ян Ботриш ва Амина Зарипова (Москва) ҳамда Елена Гатилова (Семферополь) 1-2 ва 3-ўринларни эгалладилар. Голиблар «Зариспарк» қўшма корхонасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Турнирда «Қизилқум ноёбметаллолтин» концерни ҳомийлик қилди. Т. ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

бахсларда қозогистонлик Андрей Теревеверзевга тенг келадигани топилмади. Ҳамюртимиз Алишер Комиллов қозогистонлик Димитрий Чубановдан сўнг учинчи ўринни эгаллади. Узаро ҳамкорлик, рақобат юқори натижалар беришини яхши англаган туронзаминликлар келгуси сафар Туркистон поймаҳалда тўпланишга келишиб олишди.

ЗАФАРЛИ ҚАДАМ

Теннис мухлислари «Президент кубоги» халқаро турнирида қатнашган испаниялик Карлос Мойяни яхши хотирлашади.

дунёнинг энг йирик «тўрт кит» турнирларидан бири, мукофат жамғармаси 7,6 миллион доллар бўлган «Australian Open», яни Австралия очик чемпионатида нафақат Германиянинг биринчи ракеткаси соҳиб, балки, жаҳоннинг энг кучли теннисчиларидан бири, Борис Беккерни мағлубиятга учратди. Испан теннисчиси 1995 йили Тошкентга келганида «Президент кубоги» халқаро турнири унда энг муҳими ўз кучига бўлган ишонч туйғусини мустаҳкамлаганини этироф этиб, бу ишонч келажакда уни профессионал турнирлар

шоҳсупаси сари етаклашига катта умид билдирган. Ушанда Карлос Мойя жаҳон теннисчилари тасниф рўйхатида икки юзликлар орасида эди. Эндиликда у жаҳоннинг кучли ўттиз теннисчиси орасидан ўрин эгаллаб турибди. Карлос Мойянинг маҳорати сайқал топишида, унинг ўзи этироф этганидек, «Президент кубоги» халқаро турнири ҳақиқатан катта аҳамият касб этган кўринади.

Р. ЭРМУХУММАД, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: Карлос МОЙЯ «Юнусобод» теннис кортида (1995 йил).



Чунки у ҳамюртимиз Димитрий Томашевични ютиб, мухлисларимизни «ранжитган» эди. Орадан бироз вақт ўтиб у Вена халқаро турнирида аввалига яна бир ҳамюртимиз Олег Огородовни мағлуб этди, сўнг мутахассислар кутмаган ҳолда ярим финалгача чиқиб, Европа теннис жамоатчилигини ҳайратга солди. Утган ҳафтада Мойя бутун жаҳон спорт нахшлари саҳифасидан «сенсация» қажрамони сифатида ўрин олди. Зеро, у



МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси


Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

БУЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодий 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Туни муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25, Ваксёр-33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.
Навбатчи — Ф. Юсупов.
Мусаввир — Ш. Режапов.




ЧЎЛ БАҒРИДАГИ
МЎЪЖИЗА



Навоий Ўзбекистонда энг ёш вилоят бўлишига қарамасдан, тарихий-меморий обидаларга ниҳоятда бой. Буни қадимда вилоят ҳудудидан «Буюк Ипак йўли» ўтганлиги билан изоҳлаш мумкин. Чувончи, суратда кўриб турганингиз сардоба ноёб гидротехник иншоот бўлиб, намлики сақлаб турган. Кўҳна



тоғ қатламларида эса, турли ёзувлар ва суратлар акс этган Муқаддас булоққа одамлар шу кунларда ҳам ташриф бўлиб, кўнглидаги тилаклари ижобат бўлишини сўраб тавоф этади-



лар. Кармана яқинида IX асрда қурилган карвонсаройнинг бизгача етиб келган бир қисми маҳобати билан кишини лол қолдиради. Ва ниҳоят замонавий услубда қурилган. Навоий тоғ-қон институтининг студентлари Светлана Бобоєва билан Людмила Қобялова доцент Баҳодир Муҳиддинов бошчилигидаги кимё кафедрасида машғулот ўтказишпти. Бир сўз билан айтганда, вилоятнинг кўҳна ва навқирон қиёфаси уйғуллашиб, чирой очиб бормоқда.

Рустам ШАҒАЕВ,
олган суратлар (ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси қисқа муддатли давлат облигацияларининг 21008UMFS чиқарилишини қоплаш ва 21011 UMFS чиқарилишини жойлаштириш якунлари бўйича ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ РАСМИЙ ЭЪЛОНИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, 21008UMFS чиқарилишида қисқа муддатли облигациялар 1997 йил 22 январь кунини 1606,164 млн. сўмлик ҳажмида тўла қопланди.

21011UMFS сонли чиқарилишида қисқа муддатли давлат облигацияларини (1997 йил 22 январда чиқарилган, қоплаш санаси -- 1997 йил 23 апрель -- муомалала бўлиш муддати 91 кун) жойлаштириш бўйича кимошди савдоси Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида шу йил 22 январь кунини бўлиб ўтди.

Кимошди савдосида 12 та дилер-банк қатнашди: Облигацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳажми -- 2500,0 млн. сўмни ташкил этди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар рақобатдош талабномалар умумий ҳажмининг 20% игача миқдорда берилишига рухсат этилди.

Кимошди савдосига облигация номинал қийматининг 90,60% дан 92,60% гача бўлган баҳолар доирасида талабномалар берилди. Тушган рақобатдош ва рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг умумий ҳажми номинал ҳисобида 3275,013 млн. сўмни ташкил этди. Талаб тақлифдан 1,31 марта ошдиқ бўлди.

Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг минимал баҳоси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарорига мувофиқ облигация номинал қийматининг 92,01%ини ташкил этди. Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг умумий ҳажми 1833,817 млн. сўмни ташкил этди.

Ким ошди савдосида қондирилган барча талабномаларнинг ўртача баҳоси облигация номинал қийматининг 92,25%ига тенг бўлди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар ҳам худди шу баҳода қондирилди. Уларнинг умумий номинал ҳажми 404,906 млн. сўмга тенг бўлди.

Жами номинал ҳисобида 2238,723 млн. сўмлик облигация сотилди, бу эмиссия умумий ҳажмининг 89,55%ини ташкил этди. 25,32% облигациялар дилер бўлмаган инвесторлар томонидан харид қилинди.

Кимошди савдоси натижалари бўйича облигацияларнинг даромадлилиги қуйидагича бўлди:

Кимошди савдоси якунлари бўйича даромадлилик (йиллик % ҳисобида)	Минимал баҳода	Ўртача олинган баҳода
Олдий фонизлар услуби бўйича	34,83	33,70
Мураккаб фонизлар услуби бўйича	39,66	38,20

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида ўтказилган қисқа муддатли давлат облигацияларининг иккиламчи савдолари тўғрисидаги Расмий ҳисобот

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида тузилган шартномага биноан 21009UMFS ва 21010UMFS чиқарилишида қисқа муддатли давлат облигациялари бўйича Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида ўтказилган савдо натижаларини эълон қилди. Қисқа муддатли давлат облигацияларининг эмитенти -- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

Савдо кунини	Рўйхат рақами	Номинал қиймати (сўм)	Ҳажми (дона)	Ҳажми (сўм)	Битимлар баҳоси*			Талабномалар баҳоси*		Еврилиш баҳолари*	
					энг сўнги	минимал	максимал	минимал сотув	максимал харид	Сотилиш	сотиб олин
21 январь	21009UMFS	1000.00	2550	2537 250.00	99.50	99.50	99.50	99.50	99.50	-	-
23 январь	21010UMFS	1000.00	84386	81855 220.00	96.00	96.00	98.00	96.00	98.00	-	-

* Баҳолар номинал қийматдан 0,01 аниқлик билан фонизда кўрсатилган.

АПИФЕН

мушак оғриқларини қолдирадиган ишонгли, самарали восита.

Кунига уч маҳал 1-2 таблеткадан.

Шаҳар дориконаларига мурожаат қилинг. Сир! Ўзингиз асрашга фарма динимиз